



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 4 ноябрь, № 214 (4624)

Сешанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 ноябрь куни Оқсаройда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мэри Сезар Майени қабул қилди.



— Ўзбекистонда Бразилияни, унинг тарихи ва бугунги яхши билишида, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бразилия жадал ривожланиб бораётган, жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тобора кўп жалб этаётган давлатдир. Ўзбекистон шаҳарлари, хусусан, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлари билан яқиндан танишиш тўғрисидаги қарорингизни қадрлаймиз. Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда 2007 йилнинг август ойида Бразилияда илк бор бўлиб ўтган икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг сиёсий маслаҳатлашувлари муҳим аҳамиятга эга. Музокаралар чоғида Ўзбекистонда ҳам, Бразилияда ҳам сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ўзаро ҳамкорлиқни ривожлан-

тиришга интилиш ва иштиёқ мавжуд эканлиги намён бўлди. Жорий йилда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасидаги сайё-ҳаракатлар фаоллашди. Сентябрь ойида Бразилиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Карлос Антонио да Роша Параньос мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокара ўтказди. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ доирасида яқиндан ҳамкорлик қилади. Лотин Америкасида ядро қуроллини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилган Бразилия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди, мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизлиқни мустаҳкамлаш

йўлидаги сайё-ҳаракатларини юскак баҳолайди. Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи давлатдир. Ўзбекистон Бразилия учун Марказий Осиё дарвозаси, айни пайтда Бразилия Ўзбекистон учун Лотин Америкасига робита бўлиши мумкин. Икки мамлакат ҳам иқтисодий соҳада, жумладан, қишлоқ хўжалиги, нефть-газ саноати соҳасида яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. 2007 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарий 65 миллион АҚШ доллари ташкил этди. 2008 йилнинг январь-июнь ойларида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,4 марта ошди. Бразилияда шакарқамиш, қахва, цитрус мевалар етиштиришда, шунинг-

дек, нефть ва табиий газ қазиб олиш борасида катта тажриба тўпланган. Сайёҳлик ва спорт соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш учун икки томонда ҳам улкан ресурслар мавжуд. Ўзбекистон ва Бразилия халқларининг бой маданияти ва санъати, адабиёти гуманитар соҳада фаол ҳамкорлик қилиш учун яхши заминдир. Бунда шаҳарлар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Рио-де-Жанейро мэри Ўзбекистонга ташриф асосида Самарқанд шаҳрида бўлди. Самарқанд ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Рио-де-Жанейро Бразилиянинг энг йирик шаҳарларидан бўлиб, ушбу мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бири саналади.

«Рио» билан Истанбул, Жидда, Санкт-Петербург, Барселона, Богота, Париж, Сеул, Сидней каби шаҳарлар ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Сезар Майе самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон-Бразилия муносабатларини, Ўзбекистоннинг дунёга машҳур қадимий шаҳарлари билан Рио-де-Жанейро ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга Ислам Каримов эътибор қаратгани Бразилия томонидан юскак қадрланишини таъкидлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. (Ў.А.) Сервар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5-8 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Болгария ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## Ўзбекистон – Болгария: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Болгария Республикаси Болқон ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Руминия, Македония, Сербия, Греция ва Туркия каби давлатлар билан чегарадош, мамлакат ҳудудининг шарқий қисми Қора денгиз соҳили билан туташган.

Ҳудуди 110 минг кв. км га тенг бўлган Болгариянинг аҳолиси 7,77 миллион киши. Пойтахти Софияда 1 миллион нафар одам истиқомат қилади. София мамлакатнинг саноат ва маданият марказидир.

Болгария — парламент республикаси бўлиб, Конституцияси 1991 йил 12 июль кунин қабул қилинган. Шу кундан эътиборан мамлакатда демократик таъминланган ва эркин бозор иқтисодиёти муносабатлари га ўтиш эълон қилинган.

Болгария қонун чикарувчи ҳокимияти — доимий фаолият юртувчи 240 нафар депутатдан иборат бир палатали Халқ кенгаши. Мамлакат раҳбари — Президент бўлиб, умумхалқ ва тўғридан-тўғри сайлов орқали 5 йил муддатга сайланади.

Болгариянинг ҳозирги Президенти 2002 йил январь ойида сайланган Георги Парвановдир. У ушбу лавозимга 2006 йил 29 октябрда қайта сайланди ва 2007 йил 22 январдан бошлаб ўз вазифасини ўтаб келмоқда.

Болгария — қишлоқ хўжалиги ривожланган саноатлашган мамлакат. XX аср охиридаги Болгарияда бошқа бир қатор давлатлар сингари хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи ўринга чиқди. Мамлакат иқтисодиёти юқори суръатда (йилга ўртача 6 фоизга) ўсмоқда. Далиллар шуни кўрсатмоқдаки, Болгария экспортда юқори қўшимча нархи маҳсулот улушини ортиб бориб, импортда эса сармовявий маҳсулотлар улуши жадал ўсмоқда.

Болгария Қора ва Урта Ер денгизидан то Атлантика океанигача бўлган муҳим денгиз транспорт магистраларида жойлашган. Бу —

мамлакатга нафақат Европа, балки бошқа қитъалардаги давлатлар билан ҳам яқин савдо алоқаларини йўлга қўйиш имкониятини бермоқда.

Мамлакатда Дунай дарёси ва Қора денгиз бўйлаб кемалар қатнови яхши ривожланган, юқлари жўнатиш борасида катта имкониятлар мавжуд. Русе, Лом, Свиштов, Видин каби дарё ҳамда Варна ва Бургас каби асосий денгиз портлари мавжуд. Портларнинг таъминлаши даражаси жуда яхши бўлиб, улар катта миқдордаги юкни қабул қилиш ва саклаш имкониятига эга. Бундан ташқари, портлар автомобиль ва темир йўл магистраллари билан боғланган.

Ўзининг Қора денгиз бўйидаги дам олиш масканлари билан машҳур бўлган Болгария сўнгги йилларда халқаро сайёҳлик марказларидан бирига айланиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида мамлакатда 4,3 миллион нафар хорижий сайёҳ меҳмон бўлиб, олинган фойда 1,5 миллиард еврони ташкил этди.

Республика 1955 йилдан буйён БМТ, шунингдек, 300дан ортиқ халқаро ва минтақавий ташкилотлар аъзоси ҳисобланади. Болгария 2007 йил 1 январидан бошлаб ЕИ давлатлари савфига кирди. 2004 йил апрель ойидан буйён НАТО аъзоси. Болгария, шунингдек, Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти иштирокчиси, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки, Жаҳон савдо ташкилоти аъзосидир.

(Давоми 3-бетда).

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бошланди. Ана шундай сайловлардан бири Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида бўлиб ўтди.

## САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ

«Янгиобод» маҳалласи оқсоқоллигига ўнга яқин номзод қўйилган эди. Фуқароларнинг фаол иштироки асосида улардан уч нафарининг номзоди танлаб олинди. Маҳаллада сайловда таррадуи яхши йўлга қўйилди. Ҳар учала номзод ҳақида маҳалла аҳли тўлиқ маълумотга эга бўлди. Табиийки, уларнинг орасидан муносибларинг муносибини танлаб олиш зарур эди. Маҳалланинг тинчлик-осойишталигини сақлашга қодир, унинг ютуғидан қувониб, ташвишига бирдек шерик бўладиган, одамларни ўзининг ордидан эргаштира оладиган инсонгина маҳалла

оқсоқоли бўлишга муносибдир. Бу — маҳалла аҳлининг қарори эди. Шу тўғрисида янгиободликлар йиғилишида маҳалла муаммоларини елқасида кўтара оладиган, халқ билан ҳисоблашадиган олий маълумотли муҳандис-механик Азамат Шерназаровни ўзларига етакчи қилиб сайлашга қарор қилишди.

Шунингдек, Зиёвуддин шаҳарчасидаги Тошкўлприк, Мирзо Улугбек, Истиклол маҳаллаларида ҳам худди шундай сайловлар бўлиб ўтди.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Мустақиллик йилларида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида мамлакатимиз банк тизими тубдан ислоҳ қилинди. Айни пайтда республикада 30 та тижорат банки ва уларнинг 8,4 миңдан зиёд филиали, минни банк, махсус ва жамғарма кассалари орқали аҳолига кенг қўламадаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш буйича изчил ислохотлар олиб борилиб, омонатчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан қаролатлаб қўйилгани ўзининг ижобий самарасини берапти. Буни бугунги кунга келиб, аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари қолдири 2000 йилга нисбатан 80 баробарга ўсиб, шу йилнинг 1 ноябрь ҳолатига қўра, қарий 1,6 трлн. сўмга етгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда қаролатларни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада оширди. Мазкур ҳужжатга қўра, аҳоли томонидан банкларга қўйилётган

пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари декларация қилинмайдиган ва ортқча ҳужжатларни тақдим этиш қатъиян тақиқланади.

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли омонатларини жалб қилиш буйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарори банк-молия тизимида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларнинг мантқий давоми бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламыз. Зотан, ушбу ҳужжат тижорат банклари аҳоли омонатларининг жалб қилиш буйича фаолиятларини рағбатлантириш, уларнинг инвестицион фаолиятларини янада кучайтириш учун ресурс базаларини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари фаолияти рағбатлантириш орқали аҳолининг пул маблағларини банкка жалб қилишдаги илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда, мижозлар учун қулай омонат турларини жорий этиш ҳамда кўрсатилётган банк хизматлари сифатини янада оширишдан иборат. Шунингдек, қарорда барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, махсус ва жамғарма кассалари ўртасида йил якуни буйича танлов ўтказиш кўзда тутилган. Унда асосий эътибор, тижорат банклари ва уларнинг бўлима-ларда аҳолининг мудафти ва жамғарма омонатлари қолдири ва ушбу омонат турлари буйича омонатчиларнинг сонини йил бошига нисбатан ўсиш салмоғи, жорий этилган омонат турларининг жозибадорлиги ва уларни кенг тарғиб қилиш аҳоли хизмати кўрсатилган хизматлар сифатининг ҳолати каби омилларга қаратилди. Унинг натижасига қўра, юқори рейтинг баллари тўлган банк муассасалари ва уларнинг қўйи бўғинлари голиб

сифатида тан олиниб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили қўлаб кўлиб чиқиб, банкларнинг қўлаб турдаги омонатларни жорий этиш, юқори сифатли банк хизматлари кўрсатиш юзасидан фаолиятларини рағбатлантириш хисобига аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда қулай шароитларни яратиб бериш масалаларига катта эътибор берилган.

Бир сўз билан айтганда, қарорнинг ижросини таъминлаш банклари билан аҳоли ўртасидаги ишончли шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг омонатларини банкларга жалб қилишга янада қувватлириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасининг фаровон бўлишига хизмат қилиши билан ҳам ниятда аҳамиятлидир.

Муносабат

Банклар ва уларнинг бўлима-ларда аҳолининг мудафти ва жамғарма омонатлари қолдири ва ушбу омонат турлари буйича омонатчиларнинг сонини йил бошига нисбатан ўсиш салмоғи, жорий этилган омонат турларининг жозибадорлиги ва уларни кенг тарғиб қилиш аҳоли хизмати кўрсатилган хизматлар сифатининг ҳолати каби омилларга қаратилди. Унинг натижасига қўра, юқори рейтинг баллари тўлган банк муассасалари ва уларнинг қўйи бўғинлари голиб

Баҳодир КИРГИЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент директори.

## Кўшма корхонанинг ибратли ишлари

Қашқадарё вилояти ҳудудида иш олиб бораётган газчилар яна иккита қувур тармоғини ишга туширишди. Натижада Нишон ва Бешкент қонларидан қазиб олинаётган газ умумий узунлиги 54,5 километр бўлган янги қувурлар орқали Шўртандаги газни қайта ишлаш қурилмасига етказиб бериладиган бўлди.

Кувур ётқизиш ишларини «Нефтьгазмонтаж» кўшма корхонаси жамоаси 35 иш кунинда амалга оширди. Бугунги кунда «Gissarneftgaz» кўшма корхонасига хизмат қилаётган қувурлар тизимининг бир кеча-кундузда газ ўтказиш қуввати 24,5 миллион кубометрга етди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси якунларига доир

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон йирик ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланди. Бу иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётганини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватлини, қулай инвестицион муҳит яратилганининг юскак самарасидир. Натижада юртимизда ҳар йили қўлаб корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари техник ва технология жиҳатдан модернизация қилинапти. Буларнинг бири ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши йил сайин ошишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлар саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, пойтахтимизда иккинчи бор ўтказилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси бу борадаги ишларнинг узвий давоми бўлди, дейиш мумкин. Нега деганда, ушбу тадбир саноат корхоналари учун ишлаб чиқаришни режалаштириш, анкироғи, келгуси йил тайёрланадиган маҳсулотлар учун буюртмалар портфели-

## Таҳлил

йили 224 та корхона ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этган бўлса, жорий йил уларнинг сони 270 тадан ошиб кетди. «Ўзэкспомарказ» мажмуи павильонларининг 7 миң квадрат метр майдони юртимиз саноатчиларининг дунё стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлари билан тўлиб-тошди. Улар орасида ўтган галги тадбирдаги талаб ва тақлифдан келиб чиқиб, ўзлаштирилган маҳсулотлар ҳам салмоқли бўлди.

лар асосида тайёрланди. Бу йил ҳам 1 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди. Бу 2009 йилги натижаларимиз янада юқори бўлишидан далолатдор.

Очиги, илгари саноатчилар олдига бир муаммо турарди: ишлаб чиқарилган маҳсулотни қаерда, қимга сотаман, деган. Аънанавий тус олган саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа савдолари шу каби масалалар ечимига хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир. Чунки у ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг йирик қисминга буюртма олинмадиган катта бозорга айланган улғурди.

(Давоми 2-бетда).



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизими яратилиб, қонунийлик базаси шаклланиб бормоқда.

ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Албатта, сугурта товони етказилган зарар миқдорича тўланади.

товон пулини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим бўлади.

Маълумки, мулкдор бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари жамиятда шахс омилини улуғлаш баробарида мустақил давлат тараққиёти учун хизмат қилади.

МУЛҚДОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тараққий этган давлатлар таърибасидан маълумки, ўз хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслар тоифаси, биринчи гада, бойлигини янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқиб, шу билан бирга, давлат ва жамият эҳтисодидаги вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўлади.

эркинлиги бир-бири билан узвий бўлиб қолганлиги, ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашувидан воз кечиши, давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш асосида мулкчилик муносабатларининг босқичма-босқич ислох этилиши мулкдор бўлиш

Иккинчи бўлим мажбурий сугурта шартномасининг шартларини, мазмуни ва амал қилиш муддатини, мажбурий сугурта объектини, сугурта ҳодисасини, иш берувчи, сугурталовчи ва наф олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, сугурта тариф, ставка ва коэффициентларини ҳамда сугурта мукофотини ҳисоблаш шартлари ва сугурта пули миқдорини белгилайди.

МАЖБУРИЙ СУГУРТА

ҳодимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади

Учинчи бўлим мажбурий сугурта захираларини шакллантириш, сугурталовчининг алмаштириш талабларини ўз ичига олган.

— Сугурта пули қандай ҳисоблаб чиқилади? — Шартнома тўзилган ойдан олдинги ўн икки ой учун барча ҳодимларнинг бир йиллик иш ҳақи ҳисоблаб чиқилади ва шу миқдорда белгиланади.

рилан тақдирда, зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори ҳам унга мутаносиб тарзда кўпайтирилади.

Парламент ҳаёти

— Демак, мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқини кафолатлар экан-да? — Ҳа, қонун лойиҳасининг мақсади факат шундан иборат эмас.

— Табиийки, мазкур қонун лойиҳаси тасдиқланиб, қучга киргач, ҳодим, иш берувчи ва сугурталовчи ўртасида Узаро муносабатлар бўлганда, Бунга қандай муносабат этишни билмай қолш мумкин. Айтинчи, сугурта товонини олиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади? — Иш берувчи сугурта талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан бирга иш берувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги бўйруғидан кўчирма, ҳодим ёки наф олувчининг иш берувчи номига ёзилган зарарни қоплаш тўғрисидаги аризадан кўчирма, ҳодимнинг ўртача иш ҳақи тўғрисидаги маълумот, меҳнат шартномасидан кўчирма, тиббий ҳулоса, тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг ҳулосаси тақдим этилиши керак.

— Иш берувчи, яъни корхона фаолиятини янги бошлаган бўлса, олдиндаги ўн икки ой учун барча ҳодимларнинг ҳақи ҳисобга олинади. Агар иш берувчи бир йилдан кам бўлган муддат фаолият кўрсатадиган бўлса, у ҳолда ишчиларнинг шу муддатдаги иш ҳақи асос қилинади.

Менинг Конституциям

билан ўз мулкдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, мазкур Декларациянинг 8-моддасига мувофиқ, "Ҳар бир инсон унга конституция ёхуд қонун билан белгилаб берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланишига ҳақидорлар".

Саховат

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик шароити оғир ҳудудлардаги ёш оилаларини, айниқса, боқувчисини йўқотган ва яққа ҳолатда болаларини тарбиялаётган ёш аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва ёшларнинг маънавий шароитини янада яхшилаш мақсадида "Экосан" халқаро ташкилоти ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Хоразм вилоятига наватдаги саломатлик поездини жўнатди.

Халқаро миқёсда умумэтироф этилган нормаларнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир шахснинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим шартидир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига кўра, "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишига ҳақиқ: Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади", деб белгилаб қўйилгани бежиз эмас.

Ўшлар шароитини яхшилаш мақсадида

Саломатлик поездига умумий қиймати 80 миллион сўмлик қийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, санитария-гигиена воситаларидан иборат инсонпарварлик ёрдами оқланган. Ушбу ёрдам биринчи гада вилоятдаги маҳсус мактаб-интернатларга, кам таъминланган ёш оилалардаги ўқувчиларга ҳамда тиббиёт мусассасаларига топширилиши кўзда тутилган.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ сўхбатлашди.

Мулқдор бўлиш фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари субъектларнинг иқтисодий ҳуқуқидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқи унинг эгасига тегишли мулк ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади. Умуман қилиб, мулкдор бўлишнинг нафақат конституциявий кафолати, балки уни ижтимоий ҳаётда амалга оширишнинг етарли шарт-шароити яратилди. Давлат мулк шаклларининг тенглигини эътироф этган ҳолда уни ҳар томонлама ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги мулкка эгалик туйғувини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулқ бозор муносабатларининг муҳим таркибий қисми бўлиб, усиз бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди. Зеро, иқтисодиёт хилма-хил шаклдаги мулклар, фаолият ва манфаатдорлик асосида ривожланади. Тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш, энг аввало, уларнинг мулкка нисбатан эгалик туйғувини, бошқача айтганда, мулкдор бўлиш ҳоҳиш-иродасини рўбга чиқариш билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда мулк муносабатларнинг барқарорлигини ва мулкдорларнинг мулк ҳавфсизлигини таъминлашдан туриб, тадбиркорлик фаолияти эркинлигига эришиб бўлмайди. Шу сабабли, мулк эркинлиги ва тадбиркорлик

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.

СИФАТЛИ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

Фарғона вилояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси бу йилги қиш мавсумини яхши натижалар билан қаршиламоқда.



Гап шундаки, мазкур бошқарма ўтган вақт мобайнида хизмат кўрсатиш бўйича 247 та кўп қаватли уй ҳамда 80 дан ортқ ташкилот ва корхона билан шартнома тўзди. Унга кўра, бутун қиш мавсуми давомида уй ва ташкилотларга сифатли хизмат кўрсатилади. Бунинг учун бошқармада барча шароитлар яратилган. Аввало, қозонхоналар мавсумга шайланди. Шунингдек, иситиш билан боғлиқ барча муаммолар бартараф этилди.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Республика саноят ярмаркаси ва кооперацион биржаси яқунларига доир

(Давом. Боши 1-бетда).

Тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бир қатор имтиёзлар берилганидир. Яъни биржа доирасида мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ускуналар ва бутловчи буюмлар, қайта ишланган ҳам ашё ва материаллар савдоси бўйича тўғридан-тўғри, қўшимча тендер ўтказмасдан шартномалар тўзилади. Бу эса ярмарканинг жозибадорлигини янада ошириб, бир ҳафта давомида саноятимизнинг етакчи тармоқлари — геология ва қидирув ишлари, минерал ҳам ашё ресурсларини казиб чиқариш ва қайта ишлаш, автомобил-созлик ва қишлоқ машинасозлиги, электроника ва самолётсозлик, кимё ва фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат санаяти, қўрилш материаллари ва бошқа

соҳалар бўйича томонлар ўртасида юзлаб шартномалар имзоланди ва Узаро келишувларга эришилди. Дастлабки таҳлилларга қараганда, шартномаларнинг ҳажми жиҳатидан "Узавтосаноат" компанияси етакчилик қилмоқда. Ушбу компания тизимидаги корхоналар 2009 йилда 381 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш вазифасини зиммасига олди. — Биз «GM Uzbekiston» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган энгил автомобиллар учун ички қоплама деталларни етказиб берамиз, — дейди «ЎзДонЯнКо» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси бўлим бошлиғи Абдурашид Саидов. — Бу маҳсулотлар Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилади. Натижада уларнинг импортига ҳолат қолмайди. Айни пайтда яна бир неча хилдаги импорт ўрнини босувчи эҳтиёт

қисмлар тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилаёпти. Биржа давомида эса 200 миң жамланмадан ортқ автомобилларнинг ички қоплама деталларини етказиб бериш бўйича шартномалар тўзди. Саноят ярмаркаси доирасида корхоналар маҳсулотларининг тақдирини ўтказишнинг туфайли иштирокчилар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида кенроқ маълумот олишга муваффақ бўлишди. Уларга банклар, сугурта компаниялари, стандартлаштириш ва сертификатлаш идораларининг мутахассислари шу ёрнинг ўзида маълумотлар бериб, ўз хизматларини тақдим этгани эса саноятчиларнинг қўлига янги имкониятларни очиб берди, ўз хизматларини тақдим этишга эҳтиёт бўлишга мажбур қилди. Яқунда 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортқ миқдорда шартномалар имзоланди. Даржақат, мамлакатимиз Президентини раҳнамоларида амалга оширилаётган

саноятни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсат салмоқли натижаларини бермоқда. Истиқлол йилларида саноят ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли равишда ошди, янги ички маҳсулот ҳажми ҳам барқарор суръатда ўсмоқда. Иқтисодийнинг янада модернизация қилиниши, унинг тармоқларини техник ва технология қайта жиҳозлаш борасидаги вазифалар эса ҳужалик юри тувчиларни, биринчи навбатда, ички бозорда хариддориги ва жаҳон бозориди рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундайди. Саноят ярмаркаси ва кооперацион биржа яқунларига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов қатнашди.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: 1 Австралия доллари 918,58, 1 Англия фунт стерлинги 2194,98, 1 Дания кронаси 233,13, 1 БАА дирҳами 367,62, 1 АКШ доллари 1350,26, 1 Миср фунти 242,85, 1 Исландия кронаси 11,28, 1 Канада доллари 1128,70, 1 Ҳитой юани 197,60, 1 Малайзия ринггити 383,76, 1 Польша злотийси 491,70, 1 СДР 2009,59, 1 Туркия лираси 879,08, 1 Швейцария франки 1174,65, 1 ЕВРО 1734,95, 10 Жауэби Корея воши 10,57, 10 Япония иенеси 136,17, 1 Россия рубли 234,86, 1 Украина гривнаси 49,40

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Тадбир

Шу йили Тошкент шаҳрида ногирон болалар ўртасида бўлиб ўтган "Маф-тункор ранглар дунёси" кўрик-танловда Ҳўжайли туманидаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиси Темур Қидирбоев голиб деб топилган.

МЕҲРДАН ДИЛЛАР РАВШАН

Етти ёшдан 17 ёшгача бўлган 38 нафар бола қатнашган тадбирда эсдалик совғалари билан мукофотланган болаларнинг қалблари меҳрдан янада тўлқинланиб, юз-қўларига миннатдорлик акс этарди. — Мутасадди ташкилотлар ва жамғармалар билан ҳамкорликда бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб тураемиз, — дейди Қоракалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бўлим мудири Гулнора Бекмуратова. — Айниқса, "Ёшлар йили"да бу борадаги ишларимиз янада салмоқли бўлмоқда. Даржақат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга иқтимоий хизмат кўрсатишни янада кўчайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори йорқини таъминлаш бўйича мазкур вазирлик ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Чўнчи, 60 нафар ёлғиз пенсионерлар хонадонлари тўла таъмирлаб берилди. Шу мақсадларга 26,5 миллион сўм йўналтирилди. Ёлғиз инсонлар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларидан 1709 нафари 36,4 миллион сўмлик дори-дармон билан таъминланди. 1665 нафари стационар, амбулатория ва уй шароитида соғломлаштирилди. 1620 нафари киши вазирлик тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар олди. Бундан ташқари, 77 та ногиронлар арча-часи, 67 та ашишти марамаси, 330 та ҳоса ва қўлтиқ-таёқлар ағзаларига етказиб берилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ўвуз ният амалга ошмади



Сомалилик қароқчилар Аден кўрғазида Дания мамлакатига тегишли танкер (юк ташийдиган кема)га ҳужум уюштиришди.

«Associated Press» агентлиги хабарига маълум қилинишича, қароқчилар билан денгизчилар ўртасидаги тўқнашув бир неча соат давом этган. Дания қуролли кучларига тегишли вертолёт этиб келгангина, босқинчилар чекинишга мажбур бўлган.

қилинган. Танкер ҳарбийлар кузатувида ҳаракатни давом эттирган. Ташкидлаш жоиз, Сомали яқинидаги Аден кўрғазидеги кемалар ҳаракати учун дунёдаги энг хавфли ҳудудга айланган бўлмоқда. Ҳозиргача бу ерни макон қилиб олган қароқчилар томонидан сув транспортларига 80 бор ҳужум уюштирилиб, 30 та кемани гаровга олган.

Нефть қазиб олиш камайтиради

Эрон нефть қазиб олишни кунига 199 минг баррелга камайтирмоқчи, дея хабар беради «AP» ахборот агентлиги.

Бу ҳақда мамлакат нефть вазири Фулом Хусайн Нозари маълум қилган. Унинг айтишича, Эрон ОПЕК олиб бораётган сўбатта кўра шундай йўл тутмоқда. Жорий йилнинг 24 октябр кунин ОПЕКнинг Венада ўтган навбатдан ташқари саммитида «Кўра олтин» қазиб олишни кунига 1,5 миллион баррелга қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ташкилотта аъзо давлатлар жаҳон бозорини шу маҳсулотнинг нархи кескин тушиб кетаватганини боис уни қазиб олишни қисқартиришга келишиб олишган.



Айтиб ўтиш керак, Эрон Ислам Республикаси дунёда нефть захираларига бой давлатлардан бири саналади. Айни пайтда ушбу давлатда кунига 4,2 миллион баррел нефть қазиб олинади.

Тимсоҳни ўлдиргани учун



АҚШнинг Флорида штатида 16 ёшли ўспирин йигит тимсоҳни ўлдиргани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мазкур штатнинг табиати муҳофаза қилиш қўмитаси баёнида келтирилишича, тимсоҳнинг бошиси ва думиси танаси Флорида университетини ҳудудидан топилиган. Қўлга олинган ўспирин жониворнинг кесиб олинган аъзоларини қаерга гумдон қилганини айтмаган.

Маълумки, Америка тимсоҳи муҳофазага олинган жониворлар рўйхатига киририлган. Ўспириннинг айби исботланса, у беш минг АҚШ доллари миқдорига жарима ва беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Қўпоровчилик содир этилди

Ироқнинг бир қатор шаҳарларида террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

«Associated Press» тарқатган хабарда келтирилишича, Бағдод яқинидаги Атайфия туманида амалга оширилган қўпоровчилик ҳаракати оқибатида жабрланганлар орасида мамлакат нефть ишлаб чиқариш вазири Соҳиб Салман Кутуб ҳам бор. Мамлакат хавфсизлик хизмати ходимларидан бирининг айтишича, мазкур хунрезлик ортида Соҳиб Салман Кутуб ҳаётига таҳовуз турибди. Унинг айни пайтдаги ахволи ҳақида маълумотлар келтирилмаган.



Шу ўринда таъкидлаш керак, сўнги пайтларда Ироқда юқори лавозимларда ишлайдиган амалдорлар ҳаётига раҳна солишга уринишлар кўп кузатилаётган. Бундан бир неча кун муқаддам Ироқ меҳнат вазири Маҳмуд Жавад ал-Радиға ҳам суиқасд уюштилган.

Юк кемаси ҳалокати



Хитой шимоли-шарқида жойлашган Ляонин музофотидаги портда «Синьминфа 17» юк кемаси чуқиб кетди.

«Синьхуа» ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, кема сувга гарқ бўлган вақтда унда 14 нафар экипаж аъзоси ва 146 та юк жойланган контейнер бўлган. Фалокат тўғрисида беш денгизчи ҳалок бўлган, уч нафара

ри бедарак йўқолган. «Синьминфа 17»нинг чуқиб кетишига нима сабаб бўлгани тўғрисида маълумотлар йўқ. Ҳоқеа жойида олиб борилаётган кидирув ишларида иккита вертолёт ва 16 та кема жалб қилинган.

Хунрезлик оқибати

Покистоннинг Жанубий Вазиристон музофотида кучли портлаш содир бўлди.



Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги маълумот тарқатди. Манбада келтирилишича, террорчи аскарлар гуруҳи яқинига келиб машинага ўрна-тилган портловчи қуримани ҳаракатга келтирган.

Мамлакат қуролли кучлари вакили генерал Аҳтар Аббоснинг таъкидлашича, хунрезлик оқибатида саккиз нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Бугунги кунга келиб мамлакатнинг мазкур ҳудудида «Ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракатлари жангарилари жойлашиб олган. Музофотни ҳарбийлар назоратга олган бўлишига қарамай, террорчилар уларга қарши қўтилмаган зарбаларни беришга улгурмоқда.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон – Болгария:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давами. Боши 1-бетда).

Болгария Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 6 январь кунини тан олган. 1992 йил сентябрда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрна-тилган. 1999 йилдан бошлаб Тошкентда Болгария элчихона-си фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон-Болгария муносабатлари асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил июнь ойида Болгарияга буюрган ташрифи давомида яратилди. 1999 йил 7-8 май кунлари Болгария президенти П. Стоянов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

2003 йил 24-26 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Болгарияга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида икки томонлама 14 та ҳуж-жат имзоланиб, улар икки мам-

лакат ўртасидаги дўстлик риш-талари ўзаро ишонч ва ҳурмат, мустаҳкам ва барқарор асосга эга эканини яна бир бор намо-йиш этди.

Айни пайтда томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматларари комиссияси фаолият юритиб кел-моқда. Унинг иккинчи йилгилиши 2007 йил апрель ойида Тош-кентда бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Болгарияга экспорти асосини газлама ва пахтадан йигирилган ип, саба-вот ва полиз маҳсулотлари, мой олинадиган ўсимликлар, турли хизматлар, ноорганик қимм ва нефтни қайта ишлаш маҳсулот-лари ташкил этади.

Болгариядан юртимизга фар-мацевтика ва гигиена маҳсулот-лари, механик ва электр ускуна-лар, косметика, пластмасса жи-

ҳозлари, мебель ва бошқа маҳ-сулотлар импорт қилинади.


Ўзбекистонда болгариялик сармоядорлар иштирокида 13 та корхона тузилган. Улар савдо-воситачилик хизматлари кўрсатиш, халқ истеъмол мол-лари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, улгуржи савдо каби соҳаларда фаолият юрит-моқда. Ўзбекистон Республика-си Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири-лигида Болгариянинг бешта фирмаси аккредитациядан ўтган.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий ва ижтимоий соҳалар-да ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатил-ган. 1998 йил февраль ойида «Ўзбекистон-Болгария» Дўстлик жамияти тузилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз-да 1,5 минг нафар болгар мил-латига мансуб аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Шундан 500 нафари Тошкентда. 1999 йил 24

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ЮКСАК ШАРАФ

Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги билан мамлакатимиз мудофаа тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида замон талабларига мос миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш юртимиз фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки чин маънодаги шон-шараф ишига айланган. Шунинг учун ҳам улғайиб, камолга етган ҳар бир йигит борки, ўз хоҳиш-иродаси билан ана шу шарафли вазифани адо этишга интиломоқда. Улар орасидан белгиланган синовлар, кўриқлардан аъло даражада ўтганлари аскарлик бахтига муяссар бўлмоқдалар.



Юртимизда йигитларни муддатли ҳар-бий хизматга кузатиш маросимлари кат-та тантананага айланмоқда. Самарқанд ви-лояти мудофаа ишлари бошқармаси ча-қирув пунктида ташкиллаштирилган навбатдаги ана шундай тадбир ҳам кўта-ринки руҳда ўтди. Тантанادا сўзга чи-ққанлар, ҳарбийлик муқаддас бурч экани-ни, ушбу шарафли вазифага киришган ҳар бир йигит зиммасидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб, Ватанига садоқатини намойиш этиши кераклигини таъкидлаш-ди. Бу ерга йиғилган вилот ҳокимлиги ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, ота-оналар ҳарбий хизматга отланган ўғлонларга оқ йўл тиладилар.

— Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Куч-ларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори бизга дастуриламал бўлиб хизмат

этилан махсус комиссия томонидан чақи-рилувчиларнинг жисмонан соғломлиги, оила-вий шароитлари ўрганилди. Сўнг ҳарбий жи-зматга лойиқ деб топилишлар тест синов-ларидан ўтказилиб, уларнинг интеллектуал қобилиятлари аниқланди. Мана энди энг юқори балл тўплаганлар босқинча-босқин армия сафига жўнатилаяпти.

Кузатиш маросими сўнггида Ватан ҳимо-ясига отланаётган йигитларга вилот ҳоким-лигининг асқдлик совғалари топширилди. Маданият ва спорт ишлари бошқармаси то-монидан ташкил этилган концерт дастури тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кузги чақирув

қилайти, — дейди вилот мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиги, май-йор Қодиржон Шарипов. — Бугун 70 нафар йигитимиз ҳарбий хизматга кузатилаётган. Улар барча синовлардан муваффақиятли ўтган энг сара ёшлардир. Дастлаб шаҳар ва туманларда ташкил

БАНК ЁРДАМИ ОШМОҚДА

Вилот қишлоқ ҳўжалигига сановатни, янги техника ва технологияларни олиб киришда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Жиззах вилоти бўлими уллуши самарали бўлмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-нинг инвестицион лойиҳала-рини молиялаштиришда

«Ўзмиллибанк»нинг қўмағи» мавзусида ўтказилган семи-нарда бу ҳақда алоҳида таъ-кидланди.

паррандачиликни ривожланти-ришга 38 миллион сўмлик кре-дит маблағлари ажратди.

Бугунга қадар Миллий банкнинг вилот бўлими умумий қиймати 4 миллион 276 минг АҚШ доллари миқ-доридagi 7 та лойиҳани мо-лиялаштирган.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Устоз-шогирд» мавзусига бағишланган конференция ташкил этилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирда оммавий ахборот соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган етакчи журналистлар, етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, олий ўқув юртлири журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

рири С. Остонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори С.Умиров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида миллий матбуотимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. «Ёшлар йили» Давлат дасту-

рида ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, истеъдод-ли йигит-қизларни қўллаб-қув-ватлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Жур-налистлари ижодий уюшмаси, Ўзбеки-стон Мустақил бос-ма оммавий ахбо-рот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувват-лаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкор-лигида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуман

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилотларда-ги худудий телестанцияларда ёшлар студияларининг ташкил этилгани, ёш журналистлар-нинг касб маҳоратини юксалтиришга йўналтирилган турли лойиҳалар, анжуманлар, ижодий мулоқотлар, ўқув семинар-лари, медиа-форумларнинг ташкил этилаётгани бунинг далилидир.

Анжуманда миллий журналис-тика соҳасида «Устоз-шогирд-анъаналарини давом эттириш-га бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» Цена - от 1 300 000 сум. Table with columns: Ду, мм; Типоразмер; Мин. расход, Qмин, м³/час; Максим. расход, Qмакс, м³/час. Rows: 25 G10 (0,16; 16(25)); 40 G25 (0,40; 40(65)); 65 G65 (1,00; 100(160)).

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-08-25 232-10-63 242-хона

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ» РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЬЕ ПОДДОНЫ. Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодий институти жамоаси кичик илмий ходим Хуршида Аҳмедовага ОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик қимм институтини жамоаси фозуллари ўқитувчи Хайрулла Қаноатовга ОНАСИ

2008 йил Эшлар йили

Мустақил фикрли, қатъий мақсадли ёшлар эртанги фаровон келажагимиз асосчиларидир. Зеро, бугун навқирон ўғил-қизларнинг пухта билим эгаллашлари, замонавий технологиялар ва ўқув жиҳозлари билан таъминланган таълим даргоҳларида сабоқ олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

— Меҳри дарё устозларимнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътиборлари, ғамхўрликлари туфайли ўқитувчилик касбига ҳавасим ортиди. — дейди Наргиза. — Орзуларим кўп, коллеждаги устозларим — Норпошша Зокиро-

НАВҚИРОН АВЛОД ОРЗУСИ

— Таътилдан қайтганимизда коллежимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди, — дейди 1-Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Мунира Асророва. — Ҳозирда эллик мингдан зиёд китоб захирасига эга замонавий ахборот-ресурс маркази, ёзи ва қишки спорт мажмуаси, олти юз ўринли шинамгина тураржой биноси, маданий-маърифий тadbирлар ўтказиладиган мухташам зал, ўқув-лаборатория хоналари, компьютер синфида яратилган қулайликлардан баҳраманд ҳолда билим олаёلمиз.



ректори Шавкат Қурбонов. — Хусусан, коллеж ўқувчилари ўртасида “Энг намунали гуруҳ”, “Энг иқтидорли ўқувчи” сингари танловлар жорий қилинган. Машғулотлар интерфаол усулларда, махсус лаборатория хоналарида, компьютер ва лингафон сингари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган синфларда ўтказилади. Бундан ташқари, тикувчилик,

қандолатчилик, амалий санъат йўналишларида ва турли фанлар бўйича ўттиздан ортиқ тўғарак фаолият олиб бормоқда. Наргиза Абдуқодирова келажақда чет тили ўқитувчи бўлишни орзу қилади. Унинг янгича педагогик технологиялар асосида маҳорат ила сабоқ берадиган устозларига ҳаваси баланд.

ва, Озода Содикова, Насиба Маманова, Бахмал Хамдамовадек малакали мутахассис бўлишни истаётган. Муборак ОХУНОВА, “Халқ сўзи” мухбири. СУРАТДА: коллеж ҳаётидан лавҳа. Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

«ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ»

Тadbир

Ўзбек тилининг сермаъно жилоси, баъзи ибораларнинг ўндан ортиқ синонимлари мавжудлиги луғат таркибининг нақадар бойлигини кўрсатади.

Айниқса, буюк шоиримиз Навоий ижоди билан синчилаб танишилса, фикрни ифодалаш учун она тилимизнинг имкониятлари бекиёс эканлигини кўриш мумкин. Ёш авлод қалбиде она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини қарор топтиришда ҳам она тилимизнинг ўрни алоҳида. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижоиди ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамда Тошкент маданият коллежи ҳамкорлигида ўтказилган “Она тилим – жону дилим” деб номланган адабий-бадиий тadbирда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори Тўра Мирзаев, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Омина Каримова ва бошқалар тилимизнинг тарихи ва бугуни ҳақида тўхталдилар.

Таниқли санъаткорлар иштирокида ўтказилган тadbирда маданият коллежи ўқувчилари ўзларининг она тилимизга бағишланган шеър ва сахна кўринишлари билан чиқиш қилдилар.

Зeбо АБДУЛЛАЕВА.

Спорт Sport Спорт

Аввал хабар берганимиздек, Мексиканинг Гадалахара шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Жаҳон чемпионатидан учта медал

Унда мураббий Марат Қурбонов бошчилигидаги олти нафар ёш боксчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Муҳими, уларнинг уч нафари Ўзбекистонга жаҳон чемпионати медаллари билан қайтадиган бўлишди. Жумладан, Ботиржон Маҳмудов (69 кг.) финалгача барча жанглари ғалаба билан якунлади. Фақат ҳал қилувчи беллашувда мексикалик Оскар Молинга очколар бўйича имкониятни бой бериб, қумуш медал билан тақдирланди.

Бунёдбек Машрапов (51 кг.) ва Уктамжон Раҳмонов (64 кг.)ларга бронза медаллари насиб этди.



Оқгул совриндорлар сафида

Жуфтлик мусобақаларида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова руминиялик Моника Никулиску билан ҳамкорликда финалгача етиб келишди. Бу ерда эса чехиялик Андреа Хлавацкова — Люция Храдецка жуфтлигига ютказиб қўйиб, иккинчи ўрин билан кифояланмишга тўғри келди.

Мусобақа ғалаба билан бошланди

Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар (U 19) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда.

“Д” гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси биринчи ўйинни иорданиялик тенгдошларига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида рақиблар футболчиси Ясир Равадхех тўпни ўз жарима майдончасида қўли билан тўхтатиб қолди. Ҳакам томонидан белгиланган 11 метрлик жарима тўпини “Рубин” (Қозон, Россия) жамоасида тўп сураётган вақлимиз Даврон Мирзаев беҳато бажарди. Гуруҳдаги Австралия — Таиланд учрашувида ҳам 1:0 ҳисоби қайд этилди. Кеча иккинчи тур мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Австралия ёшлар терма жамоалари майдонга тушдилар. Эслатиб ўтамиз, янги финалгача етиб келган тўртта жамоага Мисрда бўладиган жаҳон чемпионати йўланмаси берилди.

Осиёда энг олдинги ўрин

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё клубларининг ноябрь ойидаги рейтингини эълон қилди.

Мазкур рейтинг ҳамюртларимизнинг 2007 йил 1 ноябрдан 2008 йил 31 октябргача бўлган даврдаги босми уррашувларда қайд этган натижаларига қараб тузилган. Рейтингда Осиё чемпионлари лигаси ярим финалгача етиб келган, 2008 йилги Ўзбекистон кубоги соҳибига “Бунёдкор” жамоаси 59-ўринга кўтарилган. Маълумки, октябрь ойида ҳамюртларимиз 75-ўринда қайд этилган эди. “Бунёдкор” Осиё қитъаси жамоалари орасида биринчи, МДҲ миқёсида эса “Динамо” (Киев, Украина) ва “Зенит” (Санкт-Петербург, Россия) клубларидан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Спорт Sport Спорт

Тошкент Туризм касб-ҳунар коллежида “Соғлом авлод учун” жамғармаси ташаббуси билан қариндош-уруғ ўртасида тузилган никоҳ оқибатлари, ирсий касалликлар, туғма ногиронлар туғилишининг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкиллаштирилди.

Ёшлар билан мулоқот

Семинарда Республика скрининг маркази мутахассислари иштирок этишиб, коллежда таҳсил олаётган ўқувчиларга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган скрининг марказлари фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб бердилар. Тadbир сўнггида ўқувчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга тавсифлар ва кўрсатмалар берилди. Шунингдек, ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олдилар. Давра суҳбат иштирокчиларига ирсий касалликлар ва туғма ногиронлар туғилишининг олдини олишга қаратилган тавсияларни ўзида ифода этган буклет ва китобчалар тарқатилди.

Ш. ЗАЙНИЕВА.

Кўргазмада — тарих мавзуси

Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан ўтказилаётган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига мазкур мамлакат тарихий ёдгорликларига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Ушбу кўргазмада асосан италиялик машҳур ака-ула-нарилар ижодидан танлаб олинган қадимий шаҳарлар майдонлари ва саройларини ўзида акс эттирган ўттиздан зиёд суратлар намойиш қилинди.

Абдулазиз РУСТАМОВ.

Advertisement for Nissan Tiida featuring the car and text: NISSAN TIIDA КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ. NISSAN TIIDA Превосходная динамика и элегантный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта. СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, цена от \$ 31 000\*, гарантия — 2 года, или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.

Уйчилик Феруза Солиева мавжуд тартибларни четлаб ўтиб, фақат ўз фойдасини ўйлайдиган “ишбилармон” чиқиб қолди. У электр моллари, хусусан, телевизор савдоси билан шуғулланишни бошлади, аммо “зангори экран”ларнинг қардан келтирилгани, кириш ҳужжатлари ва сифат сертификати бор-йўқлиги билан қизиқмади.

«ИШБИЛАРМОН»НИНГ ҲИЙЛАСИ ЎТМАДИ

Яқинда ишнинг миси чиқди. Ноконуний равишда савдога чиқарилган 30 донна телевизор, яъни 3 миллион 235 минг сўмлик маҳсулот ашёвий далил сифатида олинди.

Назорат

Уйчилик яна бир “ишбилармон” Жийдакапа қишлоқ фуқаролар йиғини фуқароси Убайдулло Мирзаахмедов тамакифурушлик билан пул топишга одатланган эди. Бунинг нимаси ёмон, дейсизми? Гап шундаки, тамаки маҳсулотларининг на акция маркази, на бошқа ҳужжатлари бор. Савдони қизгаётган паллада унинг ёнидан уч турдаги — бир миллион 50 минг сўмлик, ҳаммаси бўлиб 1320 қўти тамаки маҳсулоти топилган. Афсусланарлиси, уларнинг барчаси ноконуний маҳсулотлар бўлиб чиқди. Солиқ инспекцияси ходимлари Янгиқўрғонда қонунбузарлигини бошқача турига дуч келишди. Ҳужжатли текшириш ҳарафинда “Қобилмирзо сав-

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Advertisement for Kichik biznes — yuksak g'urur! featuring a man in a field and a list of services: «TADBIRKOR» TARIF REJASI. Barcha kirish qo'ng'iroqlari \$0. Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqqa narxi) \$0. Guruh ichidagi \$0. Tarmoq ichidagi \$0.02. O'zbekiston bo'yicha \$0.02. SMS (chiqish SMS narxi) \$0.01. Tarmoq ichida \$0.02. O'zbekiston bo'yicha \$4. Oylik abonent to'lovi \$4. Agar siz yuridik shaxs (korxonaga yoki kompaniya ishchisi, rahbari), shuningdek, xususiy tadbirkor yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga binoan ro'yxatdan o'tgan shaxsiy kompaniya egasi bo'lsangiz, bizning korporativ mijozimiz bo'lishingiz mumkin.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.15. Тошпирилди — 23.10.

MANZILIMIZ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — А. Болшев. Навбатчи — Ф. Санасев. Мусахҳидх — Ш. Машраббоев.